

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 26382,6 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 106,1 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 111,9 фоизни ташкил қилди.

### Январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	<i>млрд.сўм</i>		<i>2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2016 йил</i>	<i>2017 йил</i>	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>22214,9</b>	<b>26382,6</b>	<b>106,1</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	19577,6	23205,7	106,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	2637,3	3177,4	105,6
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>19577,6</b>	<b>23205,2</b>	<b>106,2</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	7607,9	8823,2	104,0
саноат	6050,3	6974,7	103,0
қурилиш	1557,6	1848,5	108,1
Хизматлар	11969,7	14382,0	107,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3741,7	4528,6	105,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	3606,4	4364,2	113,3
бошқа хизматлар	4621,5	5489,2	104,4

**Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар  
бўйича таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда)

2016 й.



2017 й.



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрининг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (30,1%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (19,5%), қурилиш (8,0%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 64,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрда 66,6 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 61,9 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 61,1 фоиз)ни ташкил қилди.